

---

## "Ахборот хизмати": Фарғонага яна «Китоб карвони» келди

Мамлакатимиз раҳбари илгари сурган 5 ташаббус доирасида Фарғона вилоятида ҳам зарур чоратадбирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш тадбирлари кўрилмоқда.

Белгиланган вазифалардан бири - ёш авлоднинг китобхонлик даражасини ошириш, уларни маънавий юксалтиришdir. Ана шу мақсадда 2019 йил охиригача Фарғона вилоятига бир миллион нусхада китоб олиб келиб тарқатиш кўзда тутилган. Вилоят маҳаллий бюджетидан сотиб олинаётган бу китоблар вилоят бўйича кутубхоналарга беғараз ёрдам сифатида тарқатилмоқда. Биз вилоятимизга дастлабки китоб карвони етиб келгани ҳақида хабар берган эдик. Бугун яна 20 минг дона китоб вилоятимизга олиб келинди. Ушбу китоблар карвони вилоят ахборот-кутубхона марказидан Қўқон шаҳри, Бешариқ, Риштон, Бағдод, Кува туманларига йўл олди. Қўқон шаҳри, Риштон, Кува туманларидағи ҳар бир секторнинг биттадан маҳалласи беш ташаббусни амалга ошириш бўйича намунали ҳудуд бўлиши белгиланган. Қолган ҳудудлар ҳам ана шу намуна асосида иш олиб борадилар.

2019-06-16 16:33:03